



FAN, TA'LIM VA AMALIYOT INTEGRATSIYASI

ISSN: 2181-1776

Yuldasheva Zubayda

Termiz davlat pedagogika institute falsafa va ma'naviyat asoslari
kafedrasi o'qituvchisi

ЎРТА АСРЛАРДА ТЕРМИЗНИНГ СИЁСИЙ ЖУҒРОФИЙ ҲОЛАТИ ҲАҚИДА

Аннотация: Мақолада Ўзбекистоннинг жанубида жойлашган Термизнинг сиёсий – жўғрофий ва шаҳар хунармандчилик ҳаёти ҳақида фикр ва мулоҳазалар баён этилган.

Калит сўзлар: Термиз, Амударё, Жанубий Ўзбекистон, Кушон подшолиги, Ибн Ҳавқал, Истахрий, ат-Табарий, IX-XII аср .

Ўрта Осиёнинг энг қадимги шаҳарларидан бири Термиздир. Бу шаҳардан олдинги топилган тангалар уни эрамиздан олдинги V-IV асрга оид эканлигини тасдиқлайди. Термиз Амударёнинг Ўрта Оқимида жойлашган ундан юқорироқда Сурхондарё Амударёга қуйилади ва бу ерда кечув жойи мавжуд. Термиз шаҳрининг тарихий ядроси, маркази тўғри бурчакли қалъа бўлиб, дарё қирғоғида қад кўтарган. Қалъанинг дарё қирғоғи бўйлаб қурилган деворнинг узунлиги 470 метрни ташкил этади. Кушон даврида қалъа атрофида шаҳристон вужудга келиб, унинг унинг 70 гектарлик майдони мудофаа девори билан ўраб олинган.

Шахристоннинг ички майдони девор билан тенг бўлмаган икки қисмга бўлинган. Термиз ўша даврда ўзининг атрофидаги ерлари билан 450 гектарни ташкил этади. Бу ҳудудни ҳам баланд девор ҳимоя қилиб турган. VII асрнинг охирида Термиз рараб босқинчиларининг саркардаси Мусо ибн Абдуллоҳ томонидан босиб олинди.

Араблар Термизни эгаллаб олган, Термизшоҳни шаҳардан қувиб чиқарди. Термизшоҳнинг Самарқанд ихшида Тархун бошчилигидаги Кеш Носаф, Бухоро отрядларини ва туркийларни Термизни қайтариб олишга ундаб қилган ҳаракатлари беҳуда кетмади. Араб бўлмаганлар орасида машҳур бўлган собит ибн Абдуллоҳга қўшилган у янада кучайиб кетди. Араб бўлмаганлар орасида машҳур бўлган собит ибн Қутба ал-Хужоий ўз жангчилари билан Мусо ибн Абдуллоҳга қўшилганки, у янада кучайиб кетди. Араблар Термизни эгаллаб олган, Термизшоҳни шаҳардан қувиб чиқарди. Мусо ибн Абдуллоҳга қўшилганлар сони кундан-кунга қўшинни ортиб борди. Улар ўз пайтида кўп бўлди. Улар ҳар томонлама етук эди. Араб бўлмаганлар орасида машҳур бўлган Мусо ибн Абдуллоҳга қўшилган, у янада ортди¹. Улар кучларини бирлаштириб, ҳалифа ёзиднинг барча тарафдорларини Мовороуннаҳрдан қувиб чиқаргандан кейин йиғиладиган солиқлар. Мусо ибн абдуллоҳ хазинасига келиб тушадиган бўлди. Мусо ибн Абдуллоҳ хазинасига Термизда 15 йил ҳукмронлик қилди. 704 йилга келиб Усмон ибн Масъуд (Пайғамбар орол-жазират Усмон унинг шарафига шундай аталадиган бўлди) бошчилигидаги арабларнинг, туркларнинг Суғдларга ва маҳаллий аҳолининг бирлашган кучлари билан Мусо ибн Абдуллоҳ қаршилиги бостирилди. Унинг ўзи пайтдан бошлаб Термиз араб халифалари учун таянч нуқтаси бўлиб қоли.

Термизнинг араблар томонидан босиб олиниш ва халифалик таркибига киритилиши шаҳардан янги маданиятнинг шаклланиши ва ислом динининг кенг тарқалиши учун замин тайёрлади. Араблар Тохаристоннинг бошқа ҳудудларидагидек Термизда ислом динининг қуролли кучи билан мингдираб, бож, хирож, жуъя каби солиқлар орқали аҳолини бўйсундириб олди. Араблар исломнинг жорий қилиш ва аҳолини ишонтириш Термиздаги буддавийлик, зардуштийлик, настармонлик ибодатхоналарини вайрон қилиб, бу днларни “сохта дин” деб эълон қилганлар. Уларнинг ўрнига “бойтуллоҳ” – Оллоҳ уйларини – яъни масжидларни барпо этганлар.

Шундай қилиб, арабларнинг Боғдод халифалигига кирувчи Термиз шаҳри ҳам шарқ уйғониши даври маданиятининг йирик ютуқларининг ва намуналарини ўзида мужассам этади. Унинг маданий ҳаётида ҳам янги устувор йўналишлар юзага келди. IX аср охирида яшаб, ижод қилган ибн Хурдодбекнинг ва унинг даври тагидан дарё оқиши ҳақидаги маълумотларни келтириб ўтади².

X аср муаллифи Қудам Термиз шаҳрини тепалик ва қалда жойлашганлигини³, Ат-Табарий эса дарё соҳилида эски истехком ёки мудофаа деворни қалъа –шаҳар мавжудлигини эътироқ этади.

Сомонийлар давлатининг таркиб топиши Ўрта Осиё шаҳарларининг гуллаб яшнаши учун йўл очиб берди. Хусусан, Термиз шаҳри IX асрнинг бошларидан бошлаб раванқ топа бошлади. Бу даврга келиб Термиз шаҳри Ўрта Осиёнинг бошқа шаҳарлари каби Ўрта асрларнинг типик шаҳрига айланди.

¹ Хмельницкий С. Между Самаркандами и монголами. Архитектура средней Азии XI – начала XIII в. в ч. I Берлин – Дучо – 1996 стр 134.

² Массон М.Е. Городища строго Термеза и их изучение // Т.А.К.Э. Т.1. Тошкент 1940 стр 100.

³ Қудам “Китоб ал мослик вал момолик” В.С.А. 1889. 211.

Шаҳар уч таркибий қисмга бўлиниб, қалъа, Шаҳристон ва рабоддан иборат эди. Термиз шаҳрининг гуллаб-яшанаши сомоний амирларининг Термизга алоҳида аҳамият берганлигидадир. Чунки айрим тахминий маълумотларга кўра, сомонийларнинг келиб чиқиши ҳам шу шаҳар билан боғлиқ.

Ривожланган Ўрта асрлар Термиз шаҳри ҳақида кўплаб ёзма манбалар муҳим маълумотлар беради. Масалан, Истахрий (850-934) маълумотида кўра, Термиз қалъа ва рабоддан иборат бўлган. Шаҳарнинг қалъа ва шаҳристони Мудофаа девори билан ўраб олинган. Дар алмара, яъни ҳукмдорлар саройи қалъада, зиндон, бозор ва жоъме масжиди эса шаҳристонда, яъни “Мадина”да жойлашган. Рабодда мудофаа деворининг ичкарасида “ал-мусалла” деб аталувчи ҳайит байрамлари ўтказиладиган масжид жойлашган.

Кўча ва майдонларнинг аксариятига пишиқ ғишт терилган. Чағаниёндан худуди жиҳатидан кичик бўлсада, аҳоли сони, бойлиги ва таъминланишини жиҳатиданундан устун турган. Шаҳар экинзорлари чоғонруд – Сурхондарё суви билан суҳорилган истеъмол учун Жайхун сувидан фойдаланган⁴.

Ибн Ҳавқал ва Истахрий маълумотларига деярли ҳеч қандай ўзгаришлар киритмаган, Якким ундан фаркли ўлароқ “Қалъа” сўзи ўрнига “Кўҳандиз” сўзини ишлатган. Муқаддасий фикрига кўра, Термиз шаҳри “Хисна” ва “Кўҳандиз”дан иборат, яъни мудофааланган шаҳар ва қалъадан ташкил топган. Жомеъ масжиди худди шу мудофааланган “Кўҳандиз” битта, “Мадина” шаҳристон учта дарвозага эга. Шаҳар рабодга ҳам, шунингдек, “Сурадикат” дейиладиган ўтовлардан иборат рабодга эга бўлган⁵. Кўҳандиз ичидаги иморатлар ҳамда ҳукмдорлар саройи ва бошқа маъмурий бинолар қаерда жойлашганлиги тўғрисида аниқ бир фикр айтиш учун қазиш ишлари олиб бориши лозимдир. Бироқ қатлашунослик маълумотларига таяниб шуни айтиш лозимки, шаҳарнинг ушбу қисми сомонийлар давридаёқ қалъага айланган ва унда ҳарбий горнизон жойлашган.

Ички девор баланд бўлмаган тўсиқ тарзида сақланиб қолган ташқи деворга нисбатан маҳобатли бўлган.

Ташқи девор нисбатан қадимги бўлиб, араблар истилосигача бўлган даврда қурилган. Ички девор эса X асрнинг ўрталари ва иккинчи ярмида бунёд этилган мудофаа деворларида пишиқ ғишт ишлатилганлиги у X асрдан илгари қурилганини кўрсатади.

Термиз шаҳари XI-XIII аср бошларида тараққиётнинг юксак босқичига чиқд. Бу даврда унинг майдони 500 гектардан ортиқ эди. XI-XIII асрларда Термиз кўҳандизи бутунлай қалъага айланган. Бу ерда енгил чодирсимон уйлар бўлган Кўрғоннинг турли жойларидан топилган чодир синчлари буни тасдиқлайди.

Шаҳарининг асосий маъмурий ва ижтимоий-маданий бинолари ўрнини аниқлаш XI-XIII аср бошларидаги Термизнинг тузилишини тушуниб олишда катта аҳамият касб этади. Чунончи, эски Термиз шаҳри чеккасидаги ички беагаги ғоят гўзал маҳобатли бино Термиз ҳукмдорлари саройи бўлган⁶.

⁴ Камолиддинов Ш.С. историческая – география уожного согда и Тохаристана по араболычник источникам IX начало XIII в.в Т.Ўзбекистон 1996. стр 102.

⁵ Термиз Т.Шарқ. 2001. 20 бет.

⁶ Деннике Б.П. экспедиция музея восточных культур в сред. Аз в. 192 уч. Культура востока.Т. П М. 1928. С. 3-16.

Сарой XI асрнинг биринчи чорагида қурилган, деб ҳисобланади ва у 1025 йилда Мовороуннахрга юриш қилган Маҳмуд Ғазнавий номи билан боғланди. Гирдизийнинг ёзишича ушбу юриш асносида Маҳмуд Термизда ўзининг маҳобати, улуғворлиги ва ҳашамати билан боргани, биринчи навбатда ўзи шу ерда учрашиши лозим бўлган Қархоний Қодирхонни ҳайратга солиши керак бўлган сарой қурилиши буюрган.

Бирок, саройга бир мунча кейинроқ, XII асрда нақш ишлатилди. Термиз ҳукмдорлари саройининг ҳашаматли Ўрта Осиёдан ташқарида ҳам машҳур бўлган. Ҳар ҳолда XII аср ўрталарида яшаган Идрисий Термиз атрофи муҳофаа девори билан ўраб олинганини, у ерда шоҳона қабуллар ўтказилганлиги қаср ва бошқа хилма-хил бинолар ҳамда бозорлар борлигини қайд этар экан, айти шу саройни назарда тутган⁷. Рабод ҳудудида ўрта гузар мсжиди бўлгани аниқланган. Рабоднинг шимолий қисмида IX-X асрда қурилган чорсутум масжиди бўлган. Ривожланган ўрта асрларда Термиз шаҳрида ҳунармандчиликнинг турли соҳалари тараққий этди. Унинг энг муҳим тармоқларидан бири кулолчилик эди.

Шишасозлик Тохаристон ҳудудида илк ўрта асрларда пайдо бўлган бу ҳунар қисқа вақт ичида ҳунармандчиликнинг етакчи соҳасига айланди. Бу даврда маҳсулотнинг тури кўпайди. Ишлаб чиқариш технологияси анча мукаммаллашди. Шиша буюмлар идиш-товоқ, атир шишалар, кимёвий идишлар зеб-зийнат буюмлари ва дераза ойналари анъанавий эркин нуфлаш ҳамда қолипга солиб нуфлаш йўли билан ясалган⁸.

Хулоса ўрнида Термиз ўрта асрларда ўз даврининг энг қизғин, воқеъликка бой шаҳари бўлиб, ҳар томонлама стратегик мақсадни ифода этган. Термизда ясалган ҳунармандчиликнинг довуғи ўзга элларда машҳур бўлганлигини Термизга келган бир қатор сайёҳ ва савдогарлар ҳам ўз хотираларида баён қилиб ўтган.

Адабиётлар

1. Деннике Б.П. экспедиция музея восточных культур всред. Аз в. 192 уч. Культура востока.Т. II М. 1928. С. 3-16.
2. Камолиддинов Ш.С. историческая – география уожного согда и Тохаристана по араболоычник источникам IX начало XIII в.в Т. Ўзбекистон 1996. стр 102. Термиз Т.Шарқ. 2001. 20 бет.
3. Камолиддинов Ш.С. историческая – география уожного согда и Тохаристана по араболоычник источникам IX начало XIII в.в Т.Ўзбекистон 1996. стр 133.
4. Қудама “Китоб ал мослик вал момолик” В.С.А. 1889. 211.
5. Массон М.Е. Городища строго Термеза и их изучение // Т.А.К.Э. Т.1. Тошкент 1940 стр 100.
6. Тидаев Ш.Р. Гончарное прощведство термиза в XII нач XIII в.в // Бактрия Тохаристон қадимда ва ўрта асрларда Самарқанд, 1993 йил, 53-56 бетлар.
7. Хмельницкий С. Между Самаркандами и монголами. Архитектура средней Азии XI – начала XIII в.в ч. I. Берлин – Дучо – 1996 стр 134.

⁷ Камолиддинов Ш.С. историческая – география уожного согда и Тохаристана по араболоычник источникам IX начало XIII в.в Т.Ўзбекистон 1996. стр 133.

⁸ Тидаев Ш.Р. Гончарное прощведство термиза в XII нач XIII в.в // Бактрия Тохаристон қадимда ва ўрта асрларда Самарқанд, 1993 йил, 53-56 бетлар.